



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Термиз давлат университети ректори

А.Х.Топқулов

2017 йил

“Академик таътилдан қайтиш учун ариза бериш” интерактив хизматининг намунавий регламенти

1. Хизмат таърифи

1.1. Хизмат номланиши

Қиска номи: "Академик таътилдан қайтиш учун ариза бериш"
Кенгайтирилган номи: Термиз давлат университети (terdu.uz) расмий сайти орқали "Академик таътилдан қайтиш учун ариза бериш"

1.2. Хизмат натижаси

1-4 босқич талабаларидан академик таътилдан қайтиш бўйича (бир ОТМ доирасида) ректор (директор) номига электрон тарзда ариза қабул қилиш.

1.3. Хизмат кўрсатувчи

Хизмат Термиз давлат университети томонидан кўрсатилади.

1.4. Ҳуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори.
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди. рўйхат рақами 2138

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Хизматдан академик таътилга чиққан талабалар фойдаланиши мумкин.

1.6. Ариза бериш муддатлари

Талаба академик таътилдан қайтиш бўйича электрон аризани академик таътил муддати тугашидан олдин муддат кўрсатилсин топириши мумкин.

1.7. Бажарилиш муддати

7 кун

2. Хизматдан фойдаланувчини хабардор қилиш

2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми

Мурожаат этган аризачига қуйидаги ахборот берилиши лозим:

- хизмат кўрсатувчи органнинг жойлашган жойи, иш тартиби.
- Мурожаатларни кўриб чиқиш шартлари ва таркиби ҳақидаги маълумот;
- хизматдан фойдаланиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати;
- хизматдан фойдаланиш муддатлари;
- хизмат кўрсатиш низоми ҳақидаги маълумот;
- хизматнинг регламенти мавжудлиги тўғрисида маълумот.

2.2. Багафсил маълумот олиш

"Академик таътилдан қайтиш учун ариза бериш" хизмати тўғрисида багафсил маълумотни Термиз давлат университетининг расмий сайти орқали олиш мумкин.

2.3. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

Термиз шаҳар Баркамол авлод 43уй

3. Иш вақтлари ва Мурожаат жавобларни кутиш вақтлари

3.1. Иш вақтлари

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти: душанба-шанба соат 09:00 дан 18:00 гача.

3.2. Мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

7 кун

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Зарур бўлган ҳужжатлар.

ЭРИ (электрон рақамли имзо).(Кўшимча ҳужжатлар талаб этилса кўрсатилсин).

4.2. Хизмат тўлови:

Бепул

4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари.

Термиз давлат университети расмий сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

- id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади.
- "Интерактив хизматлар" бўлимидан "Академик таътилдан қайтиш учун ариза бериш" хизмати танланади;
- Академик таътилга чиққан талабалар маълумотлар базасидан академик таътилга чиққанлиги тўғрисидаги барча маълумотлар юклатади;
- Маълумотлар тўғрилиги текширилади ва оммавий оферта билан танишганлик тасдиқланиб, "Электрон рақамли имзо билан юбориш" функцияси танланади ва ариза юборилади.(Кўшимча босқичлар бўлса кўрсатилсин).

4.4. Хизмат кўрсатишининг ички идоравий жараёни

Аризачининг маълумотлари ОТМнинг "Академик таътилга чиққан талабалар" маълумотлар базасига олдиндан киритилган бўлади ва аризачи томонидан киритилган маълумотлар асосида базадан автоматик равишда текширилади ва аризанинг электрон нусхаси шакллантирилади.

Агар мурожаат этувчи томонидан сўралган маълумотлар базадан топилмаса, рўйхатдан ўтган электрон почта манзилига бу ҳақида маълумот масъул ходим (масъул ходимнинг Ф.И.Ш., лавозими, телефон рақами) томонидан жўнатилади.

чиққан бўлса, 3 (уч) кун ичида базага киритади ва бу ҳақида аризачига хабар жўнатади.

Аризага рад жавоби берилса рад этиш учун асослар мурожаат қилувчига юборилади.

4.5. Рад этиш сабаблари

- ариза шакли нотўғри ёки тўлик тўлдирилмаган бўлса;
- талаба талабалар сафидан четлатилган бўлса;
- академик таътил муддати тугагандан сўнг ўқишга қайтмаган бўлса.

“ КИРИТИЛДИ ”

Термиз давлат университети

Ходимлар бўлими бошлиғи



Ю.Хаққулов

“ ” 2017 й,

“ КИРИТИЛДИ ”

Термиз давлат университети

Ахборот технологиялари

маркази бошлиғи



Х.А.Чориев

“ 10 ” 11 2017 й,